

ЗОИРОВА АЗИЗА ИБРАГИМОВНА

ФРАНЦУЗ ФЕМИНИСТ АДИБАЛАР АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИНИНГ
ГИНОКРИТИК ТАДҚИКИ
(Жорж Санд ва Жермена де Сталь асарлари таржимаси мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, ҷоғнаштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Зоирова Азиза Ибрагимовна

Француз феминист адаблар асарлари таржимасининг гинеокритик тадқиқи
(Жорж Санд ва Жермена де Сталь асарлари таржимаси мисолида) 5

Зоирова Азиза Ибрагимовна

Гинеокритическое исследование перевода произведений французских
писательниц-феминисток (на примере перевода произведений Жорж Санд и
Жермен де Сталь) 25

Zoirova Aziza Ibragimovna

A gynocritical study of the translation of the works of French feminist writers (on
the example of the translation of the works of Georg Sand and Germain de
Stael) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОИРОВА АЗИЗА ИБРАГИМОВНА

ФРАНЦУЗ ФЕМИНИСТ АДИБАЛАР АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИНИНГ
ГИНОКРИТИК ТАДҚИҚИ
(Жорж Санд ва Жермена де Сталь асарлари таржимаси мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.2.PhD/Fil1802 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарини давлат университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шаринова Раиша Ҳақимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаринбаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори, доцент

Якубов Жамолiddин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» декабрь соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Икбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Икбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «26» декабрь кuni тарқатилди.

(2022 йил «26» декабрь даги 223 рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида феминизмнинг фалсафий антропологияси, феминизм феноменининг тарихи, унинг идеологик, фалсафий ва лингвистик муаммолари ечимига қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида феминизм ва гендер тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини асослаш, аёллар прозасининг гноссологик чегараларини аниқлаш, оламнинг лисоний манзарасида андромарказийлик ҳукмронлиги, гендер дискурси каби илмий муаммоларни турли хил ракурсларда тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Дунё таржимашунослиги мактаблари ва илмий марказларида замонавий феминизм тенденциялари типологиясини ишлаб чиқиш, феминист адибалар ижодини ўрганиш, улар асарлари таржималарини таҳлил қилиш, аёллар насрининг таржима усулларини ишлаб чиқиш, таржиманинг аслиятга адекватлик даражасини киёсий аспектда тадқиқ этиш сезиларли даражада кўпаймоқда. Хусусан, феминист адибалар асарларида аёллар образи тасвири, ёзувчи ва қаҳрамон ўртасидаги бадий-руҳий яқинлик масалалари, аёллар томонидан яратилган асарларнинг услуби ва ғояси, аёллар битикларида дискурс каби муаммолар ечимига қаратилган тадқиқотлар долзарблик касб этмоқда.

“Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиётининг сара намуналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш, бу йўналишда шаклланган ижодий мактабларни ривожлантириш, юқори малакали таржимон-адиблар ҳамда мутахассисларни тайёрлаш ишига жиддий эътибор қаратиш даркор¹ деган таъкиддан келиб чиқиб айтиш жоизки, малакали таржимонлар томонидан амалга оширилган таржималар таржима асарининг китобхонлар томонидан севилиб ўқилишига олиб келади. Шу маънода, жаҳон адабиётида қузатилган феминист адибалар асарларининг фалсафий-тарихий асосларини ўрганиш, адибалар ижодининг бош ғоясини аниқлаш, феминистик йўналишдаги асарлар таржималарининг киёсий таҳлилий гипокритик ёндашув асосида олиб бориш мазкур диссертация тадқиқотининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Мирзиёев Ш. Ўзбек тили байрам муносабати билан мамлакатимиз ҳалқига табриги <https://customs.uz/uz/news/view/4708>.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XVIII асрда вужудга келган илк феминизм тушунчасига оид қараплар XIX асрга келиб янада ривожланди.Тарихчи Герда Лернер феминизм куртакларини Уйғониш даврида ижод этган француз адибаси Кристина де Пизан асарларида мавжудлиги ва XV асрда “аёллар ҳақидаги баҳслар” (*querelle des femmes*) назариялари вужудга келганини қайд этади². Хориж гендеролог олимлари феминизм тарихини ўрганишга идеологик, фалсафий ва лингвистик нуктан назардан ёндашганлар³Ули Тулин ва Мари Летелиер Шимолий Америкада феминизм ғояларининг кириб келиш тарихи ва унинг мақсадтарини ўрганган бўлсалар,⁴ Барбара Годар Канаданинг англофон феминист ёзувчилар услубини ўрганиш давомида мазкур давлат ҳудудида феминизм ғояларининг ривожланиш тарихи ва унинг фалсафий асосларини аниқлаш борасида тадқиқот олиб борган⁵. Хориж олимлари томонидан аёллар адабиёти назариясининг методологик асослари яратилган. Буларга Мэри Элман (Думать о женщинах, 1968) , Эллен Мозес (Литературная женщина, 1976), Сандры Гилберт и Сюзан Губар (Безумная на чердаке: женщина-писательница и литературное воображаемое в XIX веке, 1976), Рейчел Дю Плесси (Письмо о несть ему конца: нарративные стратегии в женской литературе XX века, 1985), Элейн Шоуолтернинг бир қанча илмий ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юқорида номлари қайд этилган ишларда асосан, “аёллар адабиёти”, “аёллар мутоласи” ва “аёллар битиклари” концепциялари илгари сурилган. О.В.Пензина XIX асрнинг иккинчи ярмида рус прозасида аёллар насрига гендер нуқтан назардан ёндашади⁶. Норузи Махназ рус ва форс прозасида аёллар образи ифодаси масалаларига бағишланган тадқиқотида компоратив ёндашув асосида Россия ва Эрон замонавий адабиётига мурожаат этади⁷.

Гендеролог олимлар тадқиқотларида гендер феномени фалсафий, психологик, ижтимоий, лингвистик ва маданий фактор сифатида ўрганилган. С.А.Бакаева гендер масаласига замонавий француз ёзувчилари асарларига ижтимоий-маданий жиҳатдан ёндашиб, гендер йўналишидаги ишларнинг эволюцион аспектларини кўриб чиққан⁸. Н.Ю.Кораблева инглиз адабиётидан

²Cristina de Pisan. *Écrits féministes*. De Christine de Pizan à Simon de Beauvoir. French edition, 2010.

³Брайсон В. Политическая Теория Феминизма. Пер. С. Англ. О. Липовской И Т. Липовской. М.: Идея-Пресс, 2001. - 304 С.

⁴Louise Toupin, Marie Letellier. Qu'est-ce que c'est le féminisme ? Québec, 1997, 119 p.

⁵Goddard, B. Une littérature en devenir : la rédaction textuelle et le dynamisme du champ littéraire. Les écrivaines québécoises au Canada anglais. *Voix et Images*, 24(3), 495-527. <https://doi.org/10.7202/201447ar>

⁶Пензина О.В. Женская проза второй половины XIX века: гендерный аспект авторства. Автореф.дисс.канд.филол.наук. -Москва,2009.

⁷Норузи Махназ. Женские образы в современной русской и персидской прозе. Автореф. дисс... канд.филол.наук. -Москва, 2011.

⁸Бакаева С.А. Проблема гендерной репрезентации во французском литературе. Классика французского романа как фактор гендерной саморефлексии во французской литературе 1980-2000 гг. Автореф.дисс.канд.филол.наук. -Москва, 2016.

рус тилига ўтирилган асарлар мисолида ёзувчи идиолектининг асар мазмунига қай даражада сингдирилганлиги масалаларини илмий асослайди⁹.

Хулқар Мухаммадова Викторниан инглиз адабиётида аёллар насри хусусиятларини таҳлил қилиб, Англия кироличаси Виктория ҳукмронлик қилган даврда шаклланиган аёллар насрининг тадрижий ривожини кўрсатиб берди¹⁰. Ш. Гулямова эркак ва аёлнинг миллий менталитетига ҳос хусусиятларини умумлаштириб, уларни бир неча гуруҳларга ажратиб тадқиқ этган¹¹. У. Файзуллаеванинг тадқиқотида Вержиния Вулф романларида аёл ички дунёсини тасвирлашда муаллиф бадний олами ва маҳоратини очиб берувчи асосий омиллар таҳлилга тортилган¹². Ю. Эшматова истиклол даври ўзбек кинесачилигида аёл руҳиятининг хилма-хил бадний талқини, ёзувчи маҳорати, янгича руҳий таҳлил воситалари каби масалалар тизимини илмий жиҳатдан асослаб берган¹³. Шунингдек, Х. Лутфиддинова ёзувчининг эстетик идеали ҳамда аёллар образини “Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида ўрганган бўлса, Х. Аҳмедова “Армон аспраси” романида аёл тақдири¹⁴, Қ. Қахрамонов шоирлар ижодида аёл руҳиятини очиб берган¹⁵.

Бироқ, ўзбек таржимашунослигида француз феминист адибалари асарлари ва уларнинг таржималари гинокритик ёндашув асосида ўрганилмаган, ёзувчи дунёкарашининг образ яратиш жараёнидаги гендер идентификатори каби масалаларнинг таржимада қайта яратилишининг комплекс тадқиқи бугунги кунгача амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Қарши Давлат университетиди олиб борилаётган “Таржимашунослик ва тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз феминист адибалар асарлари ва уларнинг таржималарини гинокритик аспектда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асосларини ўрганиш;

гендер ва феминизм феноменларини ўқшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

феминистик асарлар ва уларнинг француз тилидаги таржималарида аёл дискурсининг берилишини таҳлил қилиш;

⁹Кораблева Н.Ю. Передача возрастных и гендерных особенностей идиолекта (при переводе произведений художественной литературы с английского на русский). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2010.

¹⁰Мухаммадова Х. Викторниан инглиз адабиётида аёллар насри тадрижи. Scientific progress. Scientific Journal. Scientificprogress.uz.

¹¹Гулямова Ш. Ўзбек тили феминизмларининг гендер хусусиятлари. Фил.фан.док.(PhD)дисс... автореф. – Тошкент, 2020. Б.21-22.

¹²Файзуллаева У.И. Вержиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирлашнинг. Филол.фан.фалсафа.док. (PhD) дисс... автореф. – Самарқанд, 2020.

¹³Эшматова Ю. Истиклол даври ўзбек кинесачилигида аёл руҳиятининг бадний талқини. Филол.фан.док.дисс... автореф. – Тошкент, 2020.

¹⁴Аҳмедова Х. “Армон аспраси” романида аёл тақдири талқини. Глобаллашув муаммоларининг бадний талқини ва замонави образи. – Тошкент, 2018.

¹⁵Қахрамонов Қ. Шоирлар ижодида Аёл руҳияти талқини. Глобаллашув муаммоларининг бадний талқини ва замонави образи. – Тошкент, 2018.

феминист адибалар асарларининг эркак ва аёл мутаржимлар томонидан амалга оширилган таржималарини киёсий таҳлил қилиш ва таржима услубларини аниқлаш;

феминист аёллар ижодида аёл образи ва аёл руҳияти масалаларининг ўрнини аниқлаш ҳамда адиба-қаҳрамон-таржимон мупосабатини очиб бериш;

Тадқиқотнинг объекти француз феминист адибалари Жорж Санднинг “Индиана” ва Жермена де Стальнинг “Коринна ёки Италия” романлари ҳамда уларнинг таржима вариантлари.

Тадқиқотнинг предмети таржима матнларидаги гендер дискурси, гендерга онд терминлар, бадний-лисоний воситалар, фразеологик иборалар ва метафоралар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда киёсий таҳлил, контекстуал, энциклопедик, феминал, гинеокритик таҳлил, метраморфик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асослари адибалар асарларининг метраморфик таҳлили орқали исботланган;

феминизм аёллар муаммолари билан боғлиқ феномен, гендер икки жинс (аёл/эркак) мупосабатларини камраб олувчи тушунча экапиги асосланган;

гендер йўналишидаги тадқиқотларнинг психоаналитик таҳлили натижасида феминист аёллар руҳиятидаги “*мен мавжудман*”, “*устунлик эмас тенглик*”, “*қувват манбаи илм*” каби ғоявий-бадий категориялар мавжудлиги исботланган;

феминист адибалар асарлари ва уларнинг таржимасида гинеокритик таҳлил устиворлиги “*аёл-ёзувчи, аёл-қаҳрамон, аёл-таржимон*” триадаси орқали далилланган;

феминитив матнлар таржимаси таҳлили аёл-таржимон образлаштириш, мослаштириш ва транскреатив услуб, эркак-таржимон умумлаштириш, соддалаштириш ва конкретлаштириш таржима услубларидан фойдаланганлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асослари ўрганилган ва гендер ҳамда феминизм феноменларининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари аниқланган;

тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти фанида феминист адибалар ижодини ўрганиш бўйича методологик база бойитилган;

адибалар асарлари таржимаси таҳлилида гинеокритик таҳлил методида қўллаш тавсия этилган;

аёл-таржимон ва эркак-таржимоннинг таржима услублари метраморфик таржима амалиёти орқали асосланган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар таржимонлар ва ёш таржимонлар учун амалий қўлланма бўла олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот доирасида амалга оширилган таҳлиллар, илмий концепциялар ва ёндашуларга асосланган назарий ва амалий материалларнинг таҳлил қилинганлиги; юқори импакт-

факторли республика ва халқаро журналларда, Scopus базасидан индексация қилинадиган халқаро журналларда илмий тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги; тадқиқот натижасида эришилган натижалар, таклифлар ва тавсияларнинг инновацион ва фундаментал лойиҳаларда жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, француз адабиётидан ўзбек ва рус тилига қилинган таржималар киёсий ва замонавий таржимануослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Тадқиқотнинг назарий аҳамиятга молик ўришлари ва алоҳида хулосалари, муаммога илмий ёндашув ва таҳлилда қўлланган тамойиллар феминистик адабиётлар намуналарини дуплёнинг бошқа тилларига таржималарини адекват таржима нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган ишларда назарий манба бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, диссертацияда баён этилган илмий хулосалар ушбу йўналишдаги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосалардан олий ўқув юр்தларининг таржимон тайёрлашга ихтисослашган факультетларида “Киёсий адабиётшунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Бадий таржима асослари”, “Таржиманинг лингвимаданий асослари”, “Гендер дискурси” каби қурсларни ўқитиш, дарсдиқлар, ўқув қўлланмалари яратиш ҳамда турли методик тавсияномалар тузишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асослари адибалар асарларининг метраморфик таҳлили, феминизм аёллар муаммолари билан боғлиқ феномен, гендер икки жинс (аёл/эркак) муносабатларини камраб олувчи тушунча эканлиги исботланган назарий хулосаларидан Эрасмус + 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHT-JP “Developpement of interdisciplinary master program on Computational Linguistics at Cental Asian Universities: CLASS” халқаро лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий университети 2022 йил 25 мартдаги № 04/11-1663-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур ташкилотнинг халқаро семинар ва ўқув клуби машғулотли материаллари ҳамда ташкилот томонидан ўтказилган халқаро адабий ва лингвистик тадбирлар мазмунини бойитишга эришилган.

Феминизм аёллар муаммолари билан боғлиқ феномен, гендер икки жинс (аёл/эркак) камраб олувчи тушунча эканлиги тўғрисидаги илмий хулосаларидан Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1- 005 (2017-2020) “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 17 январдаги 01/94 -сонли маълумотномаси). Натижада феминистив матилар таржимаси таҳлили, услубий яқинлик, транскреатив услубнинг адабиётшуносликдаги ўрнини аниқлашга қаратилган мавзуларнинг мазмунини илмий жиҳатдан бойитишга хизмат қилган.

гендер йўналишидаги тадқиқотларнинг психоаналитик таҳлили натижасида феминист аёллар руҳиятидаги “мен мавжудман”, “устунлик эмас тенглик”, қувват манбаи илм” каби ғоявий-бадний категориялар мавжудлиги тўғрисидаги илмий хулосалардан халқаро Француз Альянси ташкилотининг халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган коллоквиумда фойдаланилган. (Француз Альянси халқаро ташкилотининг 2022 йил 24 январдаги № 07-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур ташкилотнинг халқаро семинар ва ўқув клуби машғулот материаллари ҳамда тапкилот томонидан ўтказилган халқаро адабий ва лингвистик тадбирлар дастури мазмунини бойитишга эришилган.

феминист адибалар асарлари ва уларнинг таржимасида гине критик таҳлил устиворлиги “*аёл-ёзувчи, аёл-қаҳрамон, аёл-таржимон*” триадаси ўртасидаги ўзаро яқинликни очиб берувчи илмий хулосалар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан берилган инновацион гранти 56-01/10 “Тарихий ёдгорликлар тарғиботида Ўзбекистон зиёратгоҳлари (беп тилик) инновацион имкониятлари” дастури доирасида “*Les lieux de pelerinage de l'Ouzbekistan*” каталогининг французча вариантини таржима қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон-Франция дўстлик жамиятининг 2022 йил 18 январдаги 85/1-сон маълумотномаси). Натижада, бадний асарлар таржимасида, хусусан француз адибалари асарлари таржимасида кузатиладиган айрим таржима услубларини тўғри белгилаб олишга эришилган.

феминитив матнлар таржимаси таҳлили аёл-таржимон образлаштириш, мослаштириш ва транскреатив услуб, эркак-таржимон умумлаштириш, соддалаштириш ва конкретлаштириш таржима услубларидан фойдаланганлиги тўғрисидаги илмий-фактик хулосаларидан “Ўзбекистон” телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” кўрсатувида мунтазам фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 17 мартдаги 06-31-606 - сонли маълумотномаси). Натижада, бадний асарлар таржимаси, хусусан феминист ёзувчилар асарлари таржимасида таржима услублари, таржима тавсиялари “Хамма учун” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда ҳамда унинг маънавий-маърифий мазмунини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп эттирилган. Шулардан, 4 та илмий мақола, 5 та илмий мақола хорижий илмий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола нашр бўлган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети белгиланган. Мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги, шунингдек, амалий натижалари баён этилиб, натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эълон қилинган ишлар, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асослари ва унга ёндош тушунчаларнинг илмий таҳилига бағишланган бўлиб, уч қисмдан иборат. **Биринча** фаслда феминизм тушунчасининг тарихий-фалсафий асослари назарий манбага асосда ўрганилган. Ишда мазкур тушунчанинг дастлаб бадний адабиёт орқали фанга кириб келиши асослаб берилган. Мишел Рио Сарсининг илмий тадқиқотларига кўра, дастлаб 1872 йил Александр Дюма ўғли илк бор “*féminelin*” ва “*féministe*” сўзларини асарларида қўллаган бўлиб, аёллар муаммолари учраган ва уларнинг эркаклар томонидан камситилиши маъносида қўллаган. Кейинчалик Hubertine Auclart мазкур сўздан аёллар ҳуқуқларини йқодаловчи тушунча сифатида ўз тадқиқотларида фойдаланган. Демак, француз тилидан “*femme*”, яъни “аёл” ўзак сўзи орқали ҳосил бўлган *феминизм* “аёллик, аёлларга ҳослик” маъносини англатиб, дастлабки манба сифатида бадний асарлар кўрсатилган¹⁶.

Валери Брайсон¹⁷ тадқиқотларида феминизм тарихини ўрганишга идеологик, фалсафий ва лингвистик пуктаи назардан ёндашилган. В.Брайсон феминизм тараккиётида француз аёлларининг муҳим таъсирларини эътибордан четда қолдирмаган ва бунда асосан француз адибаси *Кристина де Пизан (Christine de Pisan, 1364-1430)* номини таъкидлаб ўтган.¹⁸ Олимлар тадқиқотида феминизм тушунчасига ижтимоий-тарихий нуктаи назардан ёндашилган. Ушбу манбаларга кўра феминистик қарашларнинг учта йирик йўналишлари мавжуд:

- тегг либерал феминизм;
- марксист ва социалистик анъаналарини акс эттирувчи феминизм;
- радикал феминизм.

Луиз Тупен ва Мари Летеллиелар мазкур қаторга *нео-феминизм* оқимиши ҳам қўшиб, улар асосан ҳуқуқий масалалардаги замонавий муаммолар ҳамда амалий ишларга қаратилган. Замонавий феминизмнинг фалсафий тамойилларини тадқиқ этган олим Guy Bouchard¹⁸ мазкур ғоянинг *таксономик* қаторини ишлаб чиққан, яъни феминизм ғоясига эргашувчилар мақсади, вазифалари, шаклланган вақти ва жойига кўра таснифланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, феминизм ғоясининг шаклланиши билан бир қаторда жамиятда “гендер” ҳамда “гендер тенглик” тушунчалари ҳам пайдо бўла бошлади. Мазкур тушунчалар тарихи ва тавсифини ўрганган олим

¹⁶Michèle Riot-Sarcey, *Histoire du féminisme*. – Paris, 2008. – P. 5.

¹⁷Брайсон В. Политическая Теория Феминизма. Пер. С Англ. О. Литовской И Т. Литовской. М.: Идея-Пресс, 2001. – 304 С.

¹⁸Bouchard, G. (1991). Typologie des tendances théoriques du féminismecontemporain. *Philosophiques*, 18 (1), 119 167. <https://doi.org/10.7202/027143ar>

Ю.А.Акимова ҳар икки тушунчани чамбарчас боғлиқ дея таъкидлаб, уларнинг келиб чиқиш тарихи ҳам яқин экаплогияни тадқиқотларида асослайди¹⁹.

Азиза Шомахмудова²⁰хурмат тамойилларининг мулоқот матида вокеланишига гендер омилнинг таъсирини ўрганиш жараёнида испан олими Лопес Моралес фикрини иктибос этаркан, феминизм тушунчасига тўхталиб ўтади. Унинг тахлиллари феминизм барча соҳада тенгликни талаб этувчи ғоя каби таассурот уйғотади. А.Шомахмудованинг таъкидлашича, эркак ва аёл мулоқотида доимо фарқ бор, буни инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тенглик амалга ошмайдиган талаб бўлиб қолаверади.

“Гендер” феномени ва гендер йўналишидаги тадқиқотлар тахлилга бағишланган бобнинг **иккинчи параграфи** феминизм тушунчаси таъсирида шаклланган ёндош феноменлар ҳақидаги назарияларни камраб олган. Гендерология фани энг ёш фанлардан бўлиб у дастлаб биологик жинсларни социал муҳитда ўрганган. Мазкур терминни ilk бора муомалага 1955 йилда буюк сексолог олим Джон Мапи олиб кирган бўлиб, кейинчалик мазкур термин барча соҳаларда фаол қўлланила бошланди. Е.Здравомыслова 1968 йилда “гендер” атамасини социология фанига олиб кириб ушбу феноменининг мазмун моҳиятини очиб бернига ҳаракат қилади.

*“Если пол имеет отношение к физическим, телесным различиям между женщиной и мужчиной, то понятие «гендер» затрагивает их психологические, социальные и культурные особенности”*²¹. Демак, агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда гендер маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлади. Гендер – ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги ҳуқ. атори. Бу аёл ва эркак жиҳатларини ўрگانадиган ижтимоий нормативдир. В.А.Кирилина гендер муаммоларини икки йўналишга ажратади:

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси.

2. Лингвистик гендерология муаммоси.

Рус олимларининг гендер йўналишидаги тадқиқотларини назарий ва услубий асосларини тавсифлашда О.А.Воронина учта магистрал моделини қўрсатиб ўтади:

1) Гендер масалаларида ижтимоий қуриш назарияси;

2) Гендернинг табақалаштириш билан боғлиқ бўлган табақаланиш категорияси сифатида тушуниш тоифалар;

3) Гендерни маданий метафора сифатида талқин қилиш²².

Ўзбек тилишунослигида гендер йўналишидаги ilk ишлар З.Ақбарова, Н.Аҳмедова, Ш.Искандароваларнинг тадқиқотларида аёллар нутқининг лисоний хусусиятлари у ёки бу кўринишда тахлилга тортилган²³. Шахноза

¹⁹Акимова Ю.А. Конституционная концепция гендерного равенства: учебное пособие / Ю.А. Акимова. - М.: ИДПО ДТСЗН, 2018. - 109 с.

²⁰Шомахмудова А. Хурмат тамойилларининг мулоқот матида вокеланишига гендер омилнинг таъсири//Хорижий Филология, №1.- Самарқанд, 2020.- Б.39.

²¹Гидденс Э. Социология. -Москва, 1999. -С. 153.

²²Воронина О. А. Теоретико-методологические основы гендерных исследований // Теория и методология гендерных исследований: Курс лекций / Под общ. ред. О.А. Ворониной - М.: МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001. - С. 13-106.

²³Akbarova Z. O'zbek tilida murojaat shakllari va ularning lisoniy tadqiqi. Filol.fan.nom...disser.avtor... - T., 2007. - 31 b. ; Ahmedova N. O'zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi.

Гулямова ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятларини ўрганишда асосан, ўзбек тили эвфемизмларида гендер хусусиятларнинг намоён бўлиши тамойиллари ва эвфемизмда гендер маънонинг воқеаларида прагматик, лингвокультурологик омилларини ўранишга эътибор қаратади²⁴.

Н.Насруллаева фразеология таркибида гендер компоненти воситасида ҳосил бўладиган семантикани тўрт турга ажратади:

1. гендер маъносини бевосита воқеалантирувчи денотатив семантика;
2. қарама-қарши жинс денотатига тегишли гендер маъносини воқеалантирувчи зидланувчан семантика;
3. таъмаъноли гендер компонентининг метафорик кўчимида асосланган кўчма маъно;
4. фразеологик бирликда мавжуд бўлган гендер маъносини нейтраллаштирувчи семантика²⁵.

Гендер масаласи барча соҳаларда тадқиқот объекти ҳисобланиб ҳусусан, лингвистик йўналишда олиб бориладиган тадқиқотларда асосан аёллар ва эркеклар нутқи, ички кечинмаларининг лисоний воситалар орқали ифодаланиши, лексик, синтактик, род категориялари, гендер дискурси, гендер стереотиплари масалалари таҳлил қилинган ва гендер муаммолари лингвистик нуқтан назардан ўрганилган.

Учинчи параграф феминистик тадқиқотларнинг лисоний-бадиий парадигмасини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, феминизмнинг ҳая сифатидаги хусусиятлари билан биргаликда асосий назарий тамойиллари тадқиқот марказида туради. Феминизм – хотин қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда эркеклар билан тенг эканлиги, пуниингдек, ижтимоий сиёсий қурашда тенг иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги ёқлайдиган таълимот²⁶. Тарихчи Герда Лернер феминизм куртакларини Уйғониш даврида ижод этган француз адибаси Кристина де Пизан асарларида мавжудлигини ва шу боис XV асрда “аёллар ҳақидаги баҳсларнинг” (*querelle des femmes*) назариялари вужудга келганлигини таъкидлайди²⁷.

Феминистик лингвистиканинг энг асосий вазифаси қуйидагиларни ўрганишдан иборат:

- 1) аёл адибалар;
- 2) аёллар алабиёти;
- 3) аёл услуби.

Filel.fan.nom...dissert.avtor... – T., 2008. – 28 b. ; Iskandarova G. Bolalar muloqot xulqining gender va lingvokulturologik xususiyatlari // O'zMUxbabari. – Toshkent: Universitet, 2015. – № 1/2. – B. 200-203. //G.Iskandarova. The Role of Linguocultural Factors in Childrens' Communication //International Journal of Central Asian Studies Volume 19. – Korea. 2015. – R. 163-180. //G.Iskandarova. Genderie i lingvokulturologicheskie osobennosti deuskoj rechi //Gumanitarie nauki v XXI veke: Materiali Mejdunarodnoy nauchnoy konferentsii, posvyashennoy 70-letiyu GNIIYaLI – TIGI. – Kizil, 2015. – S. 507-514.

²⁴Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари. Фил.фан.док. (PhD) дисс.автор.рф. – Тошкент, 2020.

²⁵Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. Филол.фан.док. (DSc) дисс. автор.рф. – Тошкент, 2018. – Б.29.

²⁶Семанологический энциклопедический словарь. – Москва, 1998. – С.388.

²⁷Cristina de Pisan. Reflections on Christine de Pizan's Feminist.

<https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/08164640220123470?journalCode=cfs20>

4) аёл битиклари

Баъзи олимлар аёллар адабиёти бу жинсга караб ажратилади, яъни эркеклар ва аёллар адабиёти деган фикрни айтишдан ҳам тортинмаганлар. Хаттоки бу борада *“адабиёт ҳозир ҳам бўлилади, илғари ҳам бўлган, фақат эркеклар адабиёти – бу адабиёт, аёллар адабиёти – бу резервация”* деган фикрларни айтиб ўтганлар²⁸. Баъзилар эса *“табиатан аёлларга истеъдод учқунини ажратиши мумкин, лекин ҳеч қачон даҳони бермайди”*²⁹ деса яна бир гуруҳ олимлар *“аёллар шеърини – онгсиз тақлид”*³⁰ дея адибалар ижодини камситадилар. Бизнинг фикримизча, ижод ҳеч қандай жинс танламайди, ёки аёл ва эркекга истеъдод чегаралаб берилмайди. Ҳоҳ эркек ёзувчи ҳоҳ аёл, ёзувчи бўлсин унинг истеъдоди, қобилияти, ботиний ва зохирий билимлари ўзига хос ва ўзига мос равишда мавжуд бўлади. Л.Ф.Харасева ва З.А.Кучуковаларнинг ҳаммуалифликдар ёзган *“Гендер ва этногендер”* рисоласида асосан кабардиан аёллар прозасига тўхталиб ўтилган³¹. Мазкур тадқиқотда феминистик адабиётлардаги ўзига хос бадиъият ётиши алоҳида ўтироф этилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби** *“Жорж Санднинг “Индиана” романи ва унинг таржимасининг гипокритик таҳлили”* деб номланган ва унинг биринчи параграфи феминистик асарлар таҳлилида гинеокритик ёндашувнинг устиворлиги масалаларини камраб олган.

Элейн Шоултер аёллар насрига нисбатан 1970 йилда *“gynocriticism”* атамасини қўллаган³². 1985 йилда мазкур ёзувчининг *“Новая феминистская критика”* номли китоби чоп этилади. Китобда феминизм насрининг классик намоёндалари, яъни Аннет Колудн, Сандра Гилберт, Сюзан Губар, Бонни Зиммерман, Рейчел ДюПлесси, Алисия Острайкер, Нэнси Миллер, Розалинд Ковард ва бошқаларнинг ижоди ёритилган. Элейн Шоултер ўзининг *“Феминистик наср муаммолари”*³³ номли маколasiда гинеокритиканинг 4 та моделини кўрсатиб ўтади:

- 1) биологик модел;
- 2) лингвистик;
- 3) психоаналитик;
- 4) маданий.

Аёллар адабиётини ўрганувчи яна бир олим Агнешка Хриник³⁴ мазкур терминнинг келиб чиқиши автобиографик асарлар билан боғлиқлигини таъкидлаб, айнан Элейн Шоултер уни *“авто-гине-график”* асарларга, яъни аёл генетикасига хос хусусиятлар ва жараёнларни тасвирловчи тушунча

²⁸Арбатова. Женская литература как фактор состоятельности отечественной феминизма. // реброброжения. 1995. №3. - С.27.

²⁹Пономарев С.И. Папи писательницы. СПб., м., 1991. - С. 20-22.

³⁰Мандельштам О. Литературная Москва. // Мандельштам О.О. Сочинения в 2 т. Т.2. - М., 1990. - 275-276.

³¹Харасева Л.Ф., Кучукова З.А. Гендер и этногендер (на материале кабардинской прозы). -М: Начальник, 2018.

³²Showalter F. The Double Standard and the Feminine Nobel. In a Literature of their own: British Women novelist from Bronte to Lessing. Princeton University Press, 1977. - P. 296.

³³Шовалтер, Е. (1996). Феминистика критикалуш. М. Зубрицка (Ред.), Слово. Знак. Дискурс: Антология советской литературно-критической мысли XX ст. (с. 510-535). Львов: Лігосис.

³⁴Хрыльк А. Творчество Марины Цветаевой в контексте гендерных исследований. Пётр, 2017. - С. 81.

сифатида ифодалаган. Шунингдек, А.Хринік “аёллар адабиёти – феминизм – гинеокритика” тушуначатар учлигини бир даврга хос дея баҳолайди.

Француз адабиёт тарихини ўрганувчи олим Никола Буало³⁵ ҳам гинеокритик таҳлилнинг келиб чиқишини автобиографик асарларга боғлайди ва уларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатларини очиб беради.

Рус гинеокритик адабиётшунос, тилишунос ҳамда таржимашунос олимни С.А.Бакаева³⁶ ҳам француз тилидан рус тилига таржима қилинган Ж.де Сталнинг “Дельфина” асарини гинеокритик жиҳатдан таҳлил этар экан, аёлнинг турли вазиятларда ўзини тутиш ҳолати ва фикр-мулоҳазаларига алоҳида эътибор қаратади. Асар феминист оқими шаклланимасдан аввал ёзилган бўлсада, айнан мазкур йўналишга хос илк намуналардан бири ҳисобланади.

А.Стобнерсканинг фикрига кўра, айнан аёллар адабиёти орқалигина биз икки жинс вакиллариининг феъл атвордаги асл фарқларни аниглаб етишимиз мумкин³⁷. Олимнинг фикрига кўшилган ҳолда мазкур тадқиқотда аёл ва эркак дискурси ўртасидаги умумийлик ва хусусийлик томонларни очиб беришга эътибор қаратдик.

Жорж Санднинг “Индиана”, Жермена де Стальнинг “Дельфина” романларини таҳлиliga гинеокритик жиҳатдан ёндашилган. Номлари қайд этилган асарларнинг таржимонлари ҳам бири аёл бири эркак бўлиши ҳам ишда аёл ёзувчиларнинг асарларини аёл таржимон ва эркак таржимон таржима қилганда унинг аслиятга мувофиқлик даражаси, таржима сифати ҳамда ёзувчи, асар ва таржимон услуби, руҳияти каби масалалаларга аниқлик киритишимизга ёрдам беради.

Жорж Санднинг “Индиана” романида гендер дискурси таҳлиlinи ёритиб берувчи бобнинг **иккинчи парagraфida** аёлларга хос путқ адабиётшунослик ва тилишуносликка оид назарий маълумотлар орқали ёритилган.

А.В.Кирилин, И.М.Куликов, Я.В.Левковскийлар аёл ва эркак оламни онгда турли хил аниқлаш, дунёни турлича идрок қилишда фарқлар мавжудлигини ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтганлар³⁸. Биз ҳам ушбу концепцияга асосланган ҳолда ишда асосан **аёл ёзувчи/аёл қаҳрамон/аёл таржимон** триадасини очиб беришга ҳаракат қилдик.

“Индиана”ни таҳлил қилип жараёнида таржимада бадний тасвирларни таржимада беришнинг асосий принциплари ўрганилган.

Қуйидаги мисолда эркакларнинг аёлга шахсий мулк, шахсий жиҳоз сифатида қараши билан бир қаторда эркакнинг ўга рашқчи эканлигини ҳам ўз ўрнида кўрсатиб ўтади. **Аслиятда:**

³⁵Nicolas Boileau. Un genre à part : l'autobiographie et la gynocritique, Rennes, 2008. 289-304 p.

³⁶Бакаева С.А. Женщина и общество: феминистские идеи в романе мадам де Сталь «Дельфина». Филологические науки в МГИМО. 2019;18(2):69-76. <https://doi.org/10.24833/2410-2423-2019-2-18-69-76>

³⁷Agnieszka STOBIEŃSKA. Construire la généalogie féminine à travers la réécriture des mythes dans la littérature féminine contemporaine française et polonaise. – Nice, 2005. – P. 8.

³⁸George Sand. Indiana. La Bibliothèque électronique du Québec. Collection A tous les vent ; Volume 12 ; Version 1.

“Je tuerai comme un chien, répondit Delmare irrité de cette objection tout homme que je trouverai la nuit à rôder dans mon enclos. Si vous connaissiez la loi, madame, vous sauriez qu’elle m’y autorise”³⁹.

Таржимада:

“Тунда менинг мулкимга қўл теккизган одамни итдек отиб ташлайман, - деди Дельмар хотинининг асабийланиган кўзларига тик қараб. Сиз қонунни яхши билсангиз керак, хоним, қонун бунга рухсат беради”⁴⁰.

Мазкур контекстда Жорж Санд қахрамон характеридаги қаҳри-қаттиқ, бағри-тош, инсоний ҳислатлардан йироқ, унга теккап ёки унинг мулкига қўз олайтирган кимсани аямайдиған дарғазаб қиёфасини чизиб беради. Биргина “менинг мулкимга қўл теккизган одамни итдек отиб ташлайман” жумласи орқали ўша асрда аксарият эркаклар дискурсига ҳос бўлган чизгиларни бадний тил воситалари орқали ифода этади. Таржимон аслиятдаги “*je trouverai la nuit à rôder dans mon enclos*” яъни “*тунда панжарам атрофида ўралашиганини отиб ташлайман*” жумласини “менинг мулкимга қўл теккизган одамни итдек отиб ташлайман” деб ўгириб, таржиманинг аслиятга мувофиқлигига эришган ва маънининг бадний-эстетик таъсирчанлигини оширган.

Бадний таржима икки тил лисоний услубий ҳодисаларнинг қиёсланиши асосида амалга оширилар экан, лисоний воситаларни қахрамоннинг нутқий ҳолатидан келиб чиқиб қиёсий ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Иккинчи бобнинг **учунчи параграфи** “Индиана” романи таржимасида метафорик иборатларнинг берилишига бағишланган. Француз фалсафасида метафора ўрта асрларда кенг ўрганилган бўлиб, ушбу ҳодисага теологик дискуссия воситаси сифатида қаралган. Ансельм Кентенберский ва Пор-Рояльлар сўзларнинг кўча маънода қўлланиш маънасини ўрганилар экан, тил ва руҳиятда (онгда) универсалиялар мавжудлигининг реаллигига эътибор қаратишган⁴¹. Француз тилидаги гендер метафораларнинг концептуаллашуви ва уларнинг лексик-семантик, формал-семантик белгиларини ўрганган М.Т.Белованинг тадқиқот ишлари натижаси ҳам таржимашуносликда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тадқиқот ишида француз тилидаги “эркак” концептининг (“masculinité”, “маскулинность”) олам миллий манзарасини акс эттиришидаги роли таҳлил этилган.

Мисоллар таҳлили орқали асрда аёл тавсифи учун қўлланилган бадний тасвирий воситалар ва уларнинг таржима таҳлиллари бериб ўтилган. Аёл кинининг гулга ўхшатилини кўплаб асарларда учрайди, бироқ асарнинг тўлиқ матни мазкур ўришда кўпроқ салбон бўёқдорликка эга эканлигини кўрсатиб ўтган:

Аслиятда: - Cette jeune personne, dit une femme qui connaissait tout le monde, et qui remplissait dans les réunions le rôle d’un almanach, c’est la fille de ce vieux fou de Carvajal qui a voulu trancher du Joséphin, et qui s’en est allé mourir

³⁹George Sand. Indiana, Bibeböck. – France, - 2016. – P.8.

⁴⁰Жорж Санд. Индиана, “Янги китоб” нашриёти. – Тошкент, 2020. - Б.9.

⁴¹Laroche Elain. L’Imagination dans l’œuvre de Jean-Jaques Rousseau. Thèse de doctorat, Université de Paris-Sorbonne. -Paris-IV, 1999. -P 404.

ruiné à l'île Bourbon. *Cette belle fleur exotique* est assez sottement mariée, je crois; mais sa tante est bien en cour⁴².

Таржимада: — Бу жувон *ноёб гул* экан, бироқ омади чопмаган кўринади. Лекин саройда холасининг обрўи баланд бўлса керак? (36 б.)

Шунингдек, таҳлилларда *vous douceurs angéliques, changer de prison et de solitude, éclairer cet esprit vierge, le coq, mille pensées orageuses, vague jetais, les yeux clairs* каби метафоралар таржимаси ҳам таҳлил этилган.

“Жермен де Сталь романлари таржимасида феминистик ғоялар ва таржимон идентификатори” деб номлагувчи ишнинг **учинчи боби** навбатдаги тадқиқот объектининг таржимадаги долзарб жиҳатлари таҳлилининг ўз ичига олади. Мазкур бобнинг **биринчи параграфи** Жермен де Сталь ижодида феминистик ғояларнинг ифодаланишига қаратилган. Шунингдек, ушбу параграфда адибанинг ўзига хос услуби ва аёлларнинг ижтимоий муаммоларига муносабати кенг ёритиб берилган. У.М.Холбекова⁴³ таъкидлаб ўтганидек, Жермен де Сталь ижодиёти адабиётшуносликда бевосита феминизм ғояси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тилга олинади. Тилшунос олими Н.Т.Пахсариян феминистик руҳдаги асарларнинг ижтимоий ролига нисбаган лингвистик таъсирини кўпроқ деб билади⁴⁴. Яъни аёллар нутқида йўғрилган асарлар француз тилидаги от ва сифатларнинг род алмашинувида жиддий ўзгаришлар олиб кирган.

Жермен де Сталь ижодида феминистик нуктаи назардан ёндашилганлиги ҳамда ушбу ғояни олиб чиққан ёзувчи аёл сифатида эътироф этилишида ҳам айнан муҳокамаларга сабаб бўлган. Ёзувчи ҳеч бир манбада ўзини феминизм ғояси қуйчиси ёки аёллар ҳамда гендер масалалар тадқиқотчиси сифатида кўрсатиб ўтмаган бўлсада, унинг асарлари тўғрисидаги баҳолар бунга тўртки бўлган⁴⁵. Шунинг учун ҳам ижтимоий-гуманитар фан тармоқларида аёл ва унинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқотларда энг аввало Жермен де Сталь номи алоҳида тилга олинади. Е.А.Мардак ҳам адабий таъкидчи ва тарихшунос олим сифатида феминизм ғоялари шаклланишида адибанинг ўрнини қуйидагича таҳлил этади: “XIX век явился весьма благоприятным для дальнейшего развития женской литературы. Это эпоха революционных потрясений с её культом чувства и вниманием к духовной сфере человека, его внутреннему миру. Французские женщины-писатели XIX века (Жермена де Сталь, Жорж Санд) в своём творчестве открыто выступали за равноправие, эмансипацию, что положило начало современному движению феминизма. Аёл ва жамият масалалари ёритилган Ж. де Сталь асарларини адабий таҳлил этган олима С.А.Бакаева феминистик руҳият акс этган матнлар хусусиятини очиб беради. Француз жамиятида аёллар ўрнининг ўзгаришига

⁴²George Sand, Indiana. Bibebbook. France, -2016. -P.31.

⁴³Холбекова, У. М. Специфика французской женской прозы второй половины XX и начала XXI века / У. М. Холбекова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2021. — № 28 (370). — С. 67-69. — URL: <https://moluch.ru/archive/370/83122/> (дата обращения: 31.01.2022).

⁴⁴Пахсариян Н.Т. Второй пол. Симоны де Бовуар и судьбы феминизма в современной французской литературе // ФИЛОЛОГИЧНАУКИ. 2011. № 1 (1). 12 с.

⁴⁵Catherine Claude. La querelle des femmes: la place des femmes des Français à la Renaissance / Catherine Claude. - Le Temps des cerises, 2003. - 239 p.

таъсир эта олган ҳодисаларни мисол тариқасида тавсифлаб чиққан. Унинг таъкидлашича, ёзувчи ўзига эркак тахатлусини танласада, асарларини номлашда аёл номини танлагандлиги бежизга эмас. Ж. де Сталь барча воқеалар марказига айнан аёл тақдирини қўяди ва шу орқали омма эътиборини қаратмоқчи бўлади. Асар воқеаларини ўқир экансиз, жамиятда аёллар қадри етарли даражада ўлчанмасада, уларнинг ижтимоий ва сиёсий воқеаларда жиддий таъсир ўткази олишлари яққол намоён бўлади⁴⁶.

Клодин Эрменнинг таъкидлашича, феминизм ғояси тенденция сифатида XIX асрда кириб келган бўлиб, “Дельфина” романи бундан олдин ёзилган. Шундай бўлсада, роман феминизмга йўғрилган асар дейишга лойиқдир⁴⁷.

Роман эпистоляр жанрга мансуб бўлиб, унда фикрлар хат ёзиш орқали “зийрак ўқувчи” га (lecteur omniscient) етказилган. Асардаги **хронологик композиция** воқеаларни маълум бир тизимда китобхон учун тушунарли бўлиб шакллантирган. Роман қуйидаги эпиграф орқали бошланган: “Un homme doit savoir braver l’opinion, une femme s’y soumettre”⁴⁸ (Мужчина должен пренебрегать общественным мнением, женщина – подчиняться ему), яъни эркак жамоа фикрига қарши тура олиши керак, аёл эса унга бўйсунгани лозим.

Жермен де Сталь ўзи ҳам илмни оилада унлаётган бўлиб, ўз тафаккури билан жамият қарама-қаршиликларига ёлғиз кураша олган. Унинг фикрича, **аёл кишининг асосий қувват манбаи бу илмдир**⁴⁹.

Таҳлиллар натижасида Жермен де Сталь ижодида кузатилган феминистик ғоялари қуйидагича жиҳатлар билан тавсифлашни тақозо этади:

- а) мен мавжудман;
- б) устунлик эмас тенглик;
- в) қувват манбаи - илм;
- г) ҳолислик;
- д) сўз эркинлиги.

Мазкур тушунчалар феминизмнинг асл моҳиятини ёритишда муҳим тавсиф бўлиб хизмат қилади ва унинг нотўғри талқинларини ажратишда ёрдам беради.

Иккинчи параграфда “Коринна ва Италия” романи таржимасида адиба ва мутаржимнинг услубий яқинлиги ўрганилган. 1807 йилда Жермен де Стальнинг “Коринна ёки Италия” романи чоп этилиши Европа китобхонларининг қизиқишларига сабаб бўлди. Ромanning икки ном билан аталишига сабаб, биринчидан, асарнинг бош қаҳрамони исми Коринна бўлса, иккинчи сабаби воқеалар ривожини асосан Италияда бўлиб ўтганлигидадир.

Жермен де Сталь халқнинг унга бўлган муҳаббати, эҳтироми ва шайдо экапини қуйидагича тасвирлайди:

Аслиятда:

⁴⁶Бакаева С.А. Женщина и общество: феминистские идеи в романе мадам де Сталь «Дельфина». - Москва, 2019. - С. 8.

⁴⁷Tabbe P.A. Биографическое похвальное слово г-же де Сталь-Гольштейн. СПб., 1822. 58 с.

⁴⁸Mme de Staël, Delphine, Intro. de Claudine Hermann, Édition des Femmes. - Paris, 1981. 990 p.

⁴⁹Mme de Staël, De la littérature, considérée dans ses rapports avec les institutions sociales, éd. Paul Van Tieghem, Genève/Paris, Droz/Minard, 1959. 307 p.

“tout le monde criait : Vive Corinne ! vive le génie ! vive la beauté !”⁵⁰.

Таржимада: “Да здравствует Коринна! Да здравствует гений! Да здравствует красота!”⁵¹.

Асарда Кориннанинг ким бўлгани, насл-насаби, қандай оилага мансуб эканлиги тўғрисида ҳеч ким билмаслиги, бироқ, унинг ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракатлари, ўзига бўлган ишонч ва зодагонлардек кийиниши унинг олий табақага мансуб, деб ўйлашларига олиб келади.

Навбатдаги матида ҳам қахрамоннинг ташқи қиёфаси жуда қатта маҳорат билан бадий тасвирланган ва бу тасвирий ифода таржимон томонидан аслиятдагидек таржима қилинган.

Аслиятда:

